

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ СТАТИСТИКА ҚЎМИТАСИ**

АНДИЖОН ВИЛОЯТИ СТАТИСТИКА БОШҚАРМАСИ

**АНДИЖОН ВИЛОЯТИНИНГ
СТАТИСТИК АХБОРОТНОМАСИ**

**2017 ЙИЛ
ЯНВАРЬ-СЕНТЯБРЬ**

СЎЗ БОШИ

Андижон вилоятининг статистик ахборотномаси Андижон вилоятининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши, иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудудлар ҳолатини комплекс тавсифловчи Андижон вилояти статистика бошқармасининг чораклик нашри ҳисобланади. Статистик ахборотномада 2017 йил январь-сентябрь ойлари якунлари бўйича Андижон вилоятининг асосий статистик кўрсаткичлари чоп этилган.

Ушбу нашрда, ҳисобот даври учун статистик кўрсаткичлар биринчи марта Европа ҳамжамиятининг Иқтисодий фаолият турлари статистик таснифлагичига (NACE Rev.2) асосланган Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий фаолият турлари умумдават таснифлагичи (2 тахрир) бўйича шакллантирилган ва тақдим этилган.

Шу билан бирга, мавжуд иқтисодий фаолият турларидан фойдаланишда ИФУТ–2 талаблари қўлланилган. Хусусан, фойдаланилаётган ёки қайта ишланаётган маҳсулотларни уларнинг янги турларига қайта шакллантиришга йўналтирилган барча фаолият турлари ишлаб чиқариш жараёнларига киритилган: тоғ–кон саноати ва очик конларни ишлаш, қайта ишлаб чиқариш саноати, электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш, сув таъминоти, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш, қурилиш (таснифлагичнинг В,С,D,E,F секциялари). Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини, иқтисодиёт тармоғи сифатида талқин қилишдаги тафовутни бартараф этиш мақсадида, янгиланган таснифлагичда қишлоқ хўжалиги фақатгина дехқончилик ва чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ўз ичига олмай, балки ўрмон ва балиқ хўжаликлари маҳсулотларини ҳам ўз ичига олади (Секция А “Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги”).

Шунингдек, халқаро статистика амалиётига мувофиқ, иқтисодий трендларни янада аниқроқ таҳлил қилиш мақсадида, Ялпи ҳудудий маҳсулот тузилмасидаги иқтисодий фаолият турларининг улуш кўрсаткичлари ялпи қўшилган қийматга нисбатан келтирилган (яъни, ЯХМ ҳажмидан маҳсулотларга солиқлар ва субсидиялар чиқариб ташланган).

Нашр 10 та тематик қисмлардан ташкил топган бўлиб, у асосий макроиқтисодий индикаторларни, шунингдек Ялпи ҳудудий маҳсулотни ишлаб чиқариш, корхоналар ва ташкилотлар, жумладан кичик тадбиркорлик субъектларининг иқтисодий фаолияти, инвестицион фаоллик, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги, саноат, қурилиш, бозор хизматларининг ривожланиш динамикаси тўғрисидаги статистика маълумотларини ўз ичига олади.

Сатистик ахборотномада саноат, қурилиш, қишлоқ хўжалиги, транспорт, ички ва ташқи савдо, улгуржи ва чакана савдо, демографик ҳолат ва бандлик тўғрисидаги таҳлилий маълумотлар кенг ёритилган.

Қисқартма ва шартли белгилар

ЯҲМ	—	ялпи худудий маҳсулот	л.	—	литр
%.	—	фоиз	0,0	—	катта бўлмаган миқдор
млрд.	—	миллиард	м.	—	марта
млн.	—	миллион	—	—	кўрсаткичнинг йўқлиги
млн.АҚШ долл.	—	миллион АҚШ доллари	га.	—	гектар
кв.	—	квадрат	тн.	—	тонна
км.	—	километр	1), 2), 3) , ,	—	изоҳнинг мавжудлиги
м.	—	метр			

МУНДАРИЖА

Номи	бет.
Асосий иқтисодий кўрсаткичлар	7
I. ЯЛПИ ХУДУДИЙ МАҲСУЛОТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ	8–9
Ялпи ҳудудий маҳсулотининг иқтисодий фаолият турлари бўйича таркиби	8–9
II. САНОАТ	10–12
Иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат маҳсулотини ишлаб чиқариш	10–12
III. ҚИШЛОҚ, ЎРМОН ВА БАЛИҚ ХЎЖАЛИГИ	13–18
Хўжалик тоифалари бўйича асосий турдаги деҳқончилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш	13–15
Ишлаб чиқарилган чорвачилик маҳсулотлари	16–18
IV. ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА ҚУРИЛИШ	19–24
Молиялаштириш манбалари бўйича асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг тақсимланиши	19
Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг технологик таркиби	20
чет эл инвестицияси киритилган корхоналар сони	21–22
Асосий капиталга киритилган инвестициялар ва кредитларни иқтисодий фаолият турлари	23
Ижтимоий соҳа объектларини қуриш	23–24
V. КИЧИК ТАДБИРКОРЛИК (БИЗНЕС)	25–26
Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг асосий кўрсаткичлари	25–26
VI. КОРХОНАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ УМУМИЙ ТАЪРИФИ	27–33
Иқтисодий фаолият турлари бўйича рўйхатга олинган ва фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар сони	27
Рўйхатга олинган хўжалик юритувчи субъектлар-юридик шахслар мулкчиликлари шакллари	28–30

Номи	бет.
Кичик корхоналар ва микрофирмалар (бизнес) сони	30–31
Корхона ва ташкилотлар сони	32
Иқтисодий фаолият турлари бўйича маҳсулот ишлаб чиқаришда ҳамда аҳоли бандлиги бўйича давлат ва нодавлат секторларининг нисбати	33
VII. ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАР	34–38
МДХ ва бошқа давлатлар кесимида вилоятнинг ташқи савдо айланмаси	34
Вилоят ташқи савдо айланмасида МДХ ва бошқа давлатларнинг улуши	35
Вилоят экспорт-импорти таркиби	35–36
Вилоят ташқи савдо айланмасида катта улушга эга бўлган давлатлар билан товар айланмаси	37
Маҳсулот ва хизматлар экспорти ва импорти таркиби	38
VIII. ТРАНСПОРТ	39–40
Транспорт турлари бўйича йўловчи ташиш ва йўловчи айланмаси	39–40
IX. ТОВАРЛАР ВА ХИЗМАТЛАР БОЗОРИ	41–43
Мулкчилик шакллари бўйича чакана товар айланмаси	41
Иқтисодий фаолият турлари бўйича бозор хизматлари ишлаб чиқариш	42–43
X. ДЕМОГРАФИЯ ВА БАНДЛИК	44–50
Доимий аҳоли сони	44
Туғилиш, аҳолининг табиий ҳаракати	45–46
Ўлим ва унинг сабаблари	47
Тузилган никоҳлар ва никоҳдан ажралишлар	48
Бандликка қўмаклашувчи марказларига иш қидириб мурожаат этган ва рўйхатга олинганлар	49
Иш билан таъминланган аҳоли	50

**Асосий иқтисодий кўрсаткичлар
2017 йил январь-сентябрь**

	<i>млрд. сўм</i>	<i>2016 йил январь-сентябрга нисбатан фоиз ҳисобида</i>
Ялпи ҳудудий маҳсулот	9401,3	107,1
Саноат маҳсулоти	9092,0	129,9
Истеъмол товарлари	6382,5	142,6
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	4401,1	100,8
Асосий капиталга киритилган инвестициялар	1579,0	88,9
Қурилиш ишлари	1358,5	95,0
Юк айланмаси (млн. тн-км)	1886,4	103,6
Йўловчи айланмаси (млн. йўловчи-км)	3538,9	102,8
Чакана товар айланмаси	5867,0	101,2
Хизматлар, жами	4149,1	103,7
Ташқи савдо айланмаси (млн. АҚШ долл)	1164,5	164,3
Экспорт	286,2	165,0
Импорт	878,3	164,1
Сальдо (+;-)	-592,1	x

I. ЯЛПИ ХУДУДИЙ МАҲСУЛОТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ

Дастлабки маълумотларга кўра, 2017 йил январь-сентябрда ишлаб чиқарилган ялпи ҳудудий маҳсулотнинг (ЯХМ) ҳажми жорий нархларда 9401,3 млрд. сўмни ташкил этди. ЯХМнинг ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати 107,1 фоизни ташкил этди.

2017 йил январь-сентябрь ойларида ЯХМ дефлятор индекси 119,0 фоизни ташкил қилди.

Январь-сентябрь ойларида вилоят ялпи ҳудудий маҳсулотининг иқтисодий фаолият турлари бўйича таркиби


	млрд.сўм		2016 йил январь-сентябрга нисбатан фоиз ҳисобида
	2016 йил	2017 йил	
I. Ялпи ҳудудий маҳсулот, жами	7377,5	9401,3	107,1
<i>шу жумладан:</i>			
Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	7131,5	9117,0	107,0
Маҳсулотларга соф солиқлар	246,0	284,2	111,0
II. Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	7131,5	9117,0	107,0
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	1851,8	2432,0	100,8
Саноат (қурилишни қўшган ҳолда)	1839,9	2633,2	118,0
саноат	1254,8	2025,0	128,7
қурилиш	585,1	608,2	95,0
Хизматлар	3439,7	4051,8	104,4
савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	783,6	909,3	101,1
ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа хизматлари	772,5	899,1	106,6
бошқа хизматлари	1883,5	2243,3	104,9

Жорий йилнинг январь-сентябрь ойларида вилоятнинг ялпи ҳудудий маҳсулотининг ўсиш суръатига асосий таъсири савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар (101,1 %), қурилиш (95,0%) ва қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги (100,6%) тармоқларидаги ялпи қўшилган қиймат ҳиссасига тўғри келмоқда.

ЯХМ ишлаб чиқариш умумий ҳажмининг 71,2 фоизи кичик тадбиркорлик (бизнес) ҳиссасига тўғри келди ва бу кўрсаткич 2016 йил январь-сентябрда 76,8 фоизни ташкил қилди.

2017 йил январь-сентябрда ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажмида хизматлар улуши 44,4 фоиз (2016 йил январь-сентябрда 48,2 фоиз)ни ташкил қилди.

Январь-сентябрда ялпи ҳудудий маҳсулотнинг тармоқлар таркиби (фоизда)




II. САНОАТ

Вилоят саноат корхоналарида таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ҳамда ишлаб чиқариш қувватларини техник ва технологик жihatдан янгилаш жараёнларининг жадаллашиши натижасида 2017 йилнинг январь–сентябрь ойларида 9092,0 млрд. сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилиши таъминланиб, ўтган йилнинг ўсиш суръати 2016 йилнинг тегишли даврига 129,9 фоизни ташкил этди.

Ҳисобот даврида 6382,5 млрд. сўмлик истеъмол товарлари ишлаб чиқарилиб, 2016 йил январь-сентябрга нисбатан 129,9 фоизни ташкил этди. Жумладан, 1095,6 млрд. сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари, ароқ-вино маҳсулотлари ва пиво, 5286,9 млрд. сўмлик ноозиқ-овқат моллари (2016 йил январь-сентябрга нисбатан мос равишда 98,2 фоиз ва 157,3 фоиз) ишлаб чиқарилди.

Тармоқлараро саноат кооперациясини ривожлантириш, тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурини амалга ошириш доирасида тадбиркорлик субъектлари томонидан 2017 йилнинг январь-сентябрь ойларида 1217,3 млрд. сўмлик маҳаллийлаштирилган маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш (умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида)



■ Тоғ- кон саноати ва очик конларни ишлаш

■ Қайта ишла саноати

■ Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш

■ Сув билан таъминлаш; канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш

Хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширилиши, кичик бизнес томонидан саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини 2016 йилнинг январь-сентябр ойларига нисбатан 0,9 фоизга ошишини таъминлади. Жами саноатда кичик бизнеснинг улуши 37,2 фоизни ташкил этди.


2017 йил январь-сентябрда иқтисодий фаолият турлари бўйича саноат маҳсулотини ишлаб чиқариш

	<i>млрд. сўм</i>	<i>ўсиш суръати, фоиз ҳисобида</i>
Иқтисодий фаолиятнинг алоҳида турлари бўйича саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми	9092,0	129,9
Тоғ- кон саноати ва очик конларни ишлаш	63,3	101,4
<i>шу жумладан:</i>		
нефть- газ қазиб олиш	52,3	100,3
Қайта ишлаш саноати	8645,0	131,2
<i>шу жумладан:</i>		
озик- овқат маҳсулотлари, ичимликлар тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш	1331,6	99,8
пахтани қайта ишлаш, тўқимачилик маҳсулотлари, кийимлар, тери ва унга тегишли маҳсулотлар ишлаб чиқариш	1877,0	104,6
ёғоч ва пўкак буюмлар, поҳол ва тўқиш учун материаллардан буюмлар ишлаб чиқариш	43,0	112,2
ёзилган материалларни нашр қилиш ва акс эттириш	13,6	107,7
мебель ишлаб чиқариш	104,1	111,4
кимёвий маҳсулотлари, резина ва пастмасса буюмлар ишлаб чиқариш	171,2	125,9
бошқа нометалл минерал маҳсулотлар ишлаб чиқариш	140,4	112,8
фармацевтика маҳсулотлари ишлаб чиқариш	3,1	116,4
металлургия саноати	2,5	113,3
тайёр металл буюмлар ишлаб чиқариш	102,7	67,2



	млрд. сўм	ўсиш суръати, фоиз ҳисобида
электрон ва оптика, электр товарлар ишлаб чиқариш	216,9	118,6
автотранспорт воситалари, трейлерлар ва ярим прицеплар ишлаб чиқариш ҳамда машина ва ускуналарни таъмирлаш ва ўрнатиш, тайёр металл буюмлар ишлаб чиқариш	4500,6	197,7
бошқар турдаги тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш	138,3	88,3
Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш	366,3	113,1
Сув билан таъминлаш; канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш	17,4	126,4
Истеъмол товарларини ишлаб чиқариш	6382,5	142,6
<i>шу жумладан:</i>		
озик-овқат товарлари	1095,6	98,2
ноозик-овқат товарлари	5286,9	157,3

Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш таркиби январь-сентябрь ойларида
(жами истеъмол товарлари ишлаб чиқариш хажмига нисбатан, фоизда)

2016 й.




2017 й.



III. ҚИШЛОҚ, ЎРМОН ВА БАЛИҚ ХЎЖАЛИГИ

2017 йилнинг январь-сентябрда ишлаб чиқарилган (кўрсатилган хизматлар) умумий ҳажми 4401,1 млрд. сўмни ёки 2016 йилнинг шу даврига нисбатан 100,8 фоизни, шу жумладан, деҳқончилик ва чорвачилик, овчилик ва бу соҳаларда кўрсатилган хизматлар ҳажми 4390,8 млрд. сўмни (100,7 фоиз), ўрмончилик хўжаликларида 3,9 млрд. сўмни (112,5 фоиз), балиқчилик хўжаликларида 6,3 млрд. сўмни (110,7 фоиз) ташкил қилди.

**Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг
хўжаликлар тоифалари бўйича тақсимланиши**
(умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида)



Ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг таркибий тузилишида энг юқори улуш деҳқон (шахсий ёрдамчи) хўжаликларига тўғри келади (умумий ҳажмга нисбатан 70,2 фоиз).

Ҳосил йиғими. 2017 йилнинг январь-сентябрь ойларида барча тоифадаги хўжаликлар томонидан 508,6 минг тонна бошоқли дон экинлари ишлаб чиқарилиб, шундан 508,1 минг тоннаси буғдой ташкил қилди.

Бундан ташқари барча тоифадаги хўжаликларда 216,4 минг тонна картошка казиб олинди (2016 йилга нисбатан 101,6 фоизга кўп), 1132,9 минг тонна сабзавот (101,4 фоизга кўп) йиғиб олинди, 69,1 минг тонна полиз экинлари (102,9 фоизга кўп), 381,7 минг тонна мева ва резаворлар (101,5 фоизга кўп) ва 49,6 минг тонна узум (99,8 фоизга кўп) етиштирилди.

Чорвачилик. 2017 йилнинг 1 октябрь ҳолатига ўтган йилнинг шу даврига нисбатан йирик шохли қорамоллар 104,4 фоизга (жами 1026 минг бошни ташкил қилди), шу жумладан сигирлар 100,0. фоизга (337,0 минг бош), қўй ва эчкилар 104,7 фоизга (1401,8 минг бош), отлар 100,1 фоизга (6,5 минг бош), паррандалар 102,6 фоизга (6,7 млн. бошга) кўпайди.

Барча ҳудудларда чорвачилик маҳсулотлари (гўшт, сут, тухум) ишлаб чиқаришнинг ўсиши асосан деҳқон ва фермер хўжаликлари ҳисобига бўлиб, гўшт ишлаб чиқариш умумий ҳажмида уларнинг улуши 98,4 фоизни, сут ишлаб чиқаришда 99,4 фоизни, тухум ишлаб чиқаришда 91,6 фоизни ташкил этди.

**2017 йил 1 октябрь ҳолатига хўжалик тоифалари бўйича
чорва моллари ва паррандалар бош сони**

	<i>минг бош</i>	<i>ўсиш суръати, фоизда</i>
Йирик шохли қорамол	1026,0	104,4
<i>шу жумладан:</i>		
Фермер хўжаликлари	39,5	100,3
Деҳқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	979,3	104,6
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	7,2	96,1
улардан сигирлар	337,0	100,0
<i>шу жумладан:</i>		
Фермер хўжаликлари	14,7	100,7
Деҳқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	320,0	100,1
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	2,3	82,1
Қўй ва эчкилар	1402	104,7
<i>шу жумладан:</i>		
Фермер хўжаликлари	50,8	102,4

	минг бош	ўсиш суръати, фоизда
Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	1345,9	106,3
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	5,1	94,4
Отлар	6,5	100,1
<i>шу жумладан:</i>		
Фермер хўжаликлари	0,9	100,6
Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	5,4	100,1
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	0,1	100,0
Паррандалар	6716,4	102,6
<i>шу жумладан:</i>		
Фермер хўжаликлари	725,4	102,2
Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	5235,0	102,6
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	756,0	102,7


Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликларида йирик шохли қорамолларнинг улуши 95,4 фоизни, фермер хўжаликларида эса 3,9 фоизни, шу жумладан, сигирлар мос равишда 95,0 ва 5,5 фоизни, қўй ва эчкилар 96,0 ва 3,6 фоизни, отлар 84,3 ва 14,1 фоизни, паррандалар 77,9 ва 10,8 фоизни ташкил этди.

2017 йилнинг январь-сентябрда барча тоифадаги хўжаликларда тирик вазн ҳисобида 103,8 минг тонна гўшт (2016 йилнинг январь-сентябрга нисбатан 5,3 фоизга кўп), 564,5 минг тонна сут (4,4 фоизга кўп), 333,4 млн. дона тухум (9,8 фоизга кўп) ишлаб чиқарилди.

**2017 йил январь-сентябрь ойларида ишлаб чиқарилган чорвачилик
маҳсулотлари**

	<i>миқдори</i>	<i>ўсиш суръати, фоизда</i>
Гўшт (тирик вазнда), минг тн.	103,8	105,3
<i>шу жумладан:</i>		
Фермер хўжаликлари	3,0	111,9
Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	99,2	105,1
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	1,6	101,8
Сут, минг тн.	564,5	104,4
<i>шу жумладан:</i>		
Фермер хўжаликлари	183,4	103,8
Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	542,5	104,5
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	3,6	101,0
Тухум, млн. дона	333,4	109,8
<i>шу жумладан:</i>		
Фермер хўжаликлари	40,2	103,1
Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	265,2	108,0
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	28,0	147,8

**2017 йил январь-сентябрь ойларида чорвачилик маҳсулотлари ишлаб
чиқариш таркиби**
(ишлаб чиқариш умумий ҳажмига нисбатан фоиз ҳисобида)



Фермер хўжаликлари. 2017 йилнинг январь-сентябрда фермер хўжаликлари томонидан ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми 1193,5 млрд. сўмни ташкил қилди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари умумий ҳажмида фермер хўжаликларининг улуши 27,1 фоизни ташкил этди.

2017 йилнинг 1 октябр ҳолатига фермер хўжаликларида 39,5 минг бош йирик шохли қорамол, шу жумладан 14,7 минг бош сигир, 49,6 минг бош қўй ва эчкилар, 911 бош от, 725,4 минг бош паррандалар мавжуд.

2017 йил январь-сентябрь ҳолатига фермер хўжаликлари томонидан ишлаб чиқарилган асосий турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотлари

	январь-сентябрь				2016 январь- сентябрга нисбатан фоиз ҳисобида
	2016 йил		2017 йил		
	тонна	ишлаб чиқариш умумий ҳажмидаги улуши, фоиз	тонна	ишлаб чиқариш умумий ҳажмидаги улуши, фоиз	
Бошоқли дон	498016	93,0	478246	94,0	96,0
шу жумладан: бугдой	497982	93,1	478126	94,1	96,0
Картошка	48662	22,9	52123	24,1	107,1
Сабзавот	212131	19,0	213256	18,8	100,5
Полиз	38705	57,6	40230	58,2	103,9
Мева ва резаворлар	95497	25,4	96543	25,3	101,1
Узум	21835	43,9	22450	45,3	102,8
Гўшт, тирик вазнда	2695	2,7	3016	2,9	111,9
Сут	17673	3,3	18342	3,2	103,8
Тухум, млн. дона	39,0	12,8	40,2	12,1	103,1
Жун, тонна	62	5,1	54,0	4,5	86,8
Пилла, тонна	3271,4	99,0	1999,6	94,8	61,1

2017 йил январь-сентябрь ҳолатига фермер хўжаликлари томонидан ишлаб чиқарилган асосий турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотларидан бошоқли дон (96,0), жун (86,8) ва пилла (61,1) фоизни ташкил этиб, 2016 йилнинг тегишли даврига нисбатан камайиб кетган.

IV. ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА ҚУРИЛИШ

2017 йил январь-сентябрда вилоятнинг асосий капиталини кўпайтиришга 1579,0 млрд. сўм миқдорида инвестициялар киритилиб, шундан хорижий инвестициялар 125,7 млрд. сўмни ташкил этди.

Асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажми ЯҲМга нисбати 15,7 фоизни ташкил қилиб, 2016 йил январь–сентябрга нисбатан 3,4 фоизга камайди.


Молиялаштириш манбалари бўйича асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг тақсимланиши (2017 йил январь-сентябрь)

	млрд.сўм	ўсиш суръати, фоизда	яқунга нисбатан фоизда
Асосий капиталга киритилган инвестициялар	1579,0	85,8	100,0
<i>шу жумладан:</i>			
Марказлашган инвестициялар:	162,4	74,4	10,3
бюджет маблағлари	56,4	93,9	3,6
давлат мақсадли фонд маблағлари	101,5	81,9	6,4
тикланиш ва тараққиёт фонди маблағлари	-	-	-
ҳукумат кафолати остида чет эл кредитлари	1,6	20,6	0,1
Марказлашмаган инвестициялар	1416,6	90,9	89,7
корхоналарнинг ўз маблағлари	365,2	129,0	23,1
аҳоли маблағлари	595,9	72,6	37,7
тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитлар	154,7	211,9	9,8
тижорат банк кредитлари ва бошқа қарз маблағлари	300,8	78,9	19,1


Давлат бюджетидан ажратилган инвестициялар ижтимоий соҳани ва ҳаётий таъминот тизимини қўллаб қувватлашга, Андижон вилояти инфраструктурасини ривожлантиришга қаратилган манзилли инвестиция дастурларини амалга ошириш учун йўналтирилган.

**Асосий капиталга киритилган инвестицияларда марказлашган ва
марказлашмаган инвестицияларнинг улушлари**
(фоиз ҳисобида)

2016 йил январь-сентябрь



2017 йил январь-сентябрь



■ Марказлашган ■ Марказлашмаган

**2017 йил январь-сентябрда асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг
технологик таркиби**

	жами	Давлат	Нодавлат
Жами, млрд. сўм	1579,0	178,7	1400,3
шу жумладан: умумий ҳажмга нисбатан фоиз кўринишида	100	100	100
қурилиш-монтаж ишлари	61,4	78,3	59,3
машина, ускуналар, транспорт воситалари ишлаб чиқариш ва хўжалик жиҳозлар	34,4	16,4	36,7
Бошқа ҳаражатлар	4,2	5,3	4,0

**2017 йил январь-сентябрда чет эл инвестицияси киритилган
корхоналар сони
(бирликда)**

	<i>Жами рўйхатга олинганлари</i>	<i>жумладан, фаолият кўрсатаётганлари</i>	<i>Фаолият кўрсатаётганларни жамига нисбатан, фоиз ҳисобида</i>
Вилоят бўйича:	173	167	97,5
<i>шаҳарлар:</i>			
Андижон	74	70	97,5
Хонобод	3	3	100
<i>туманлар:</i>			
Андижон	16	16	100
Асака	9	9	100
Балиқчи	9	9	100
Бўз	1	1	100
Булоқбоши	6	6	100
Жалақудуқ	4	4	100
Избоскан	7	7	100
Улуғнор	2	2	100
Мархамат	6	6	100
Олтинкўл	8	8	100
Пахтабод	3	3	100
Хўжабод	6	6	100
Шахрихон	13	11	80
Қўрғонтепа	6	6	100

**2017 йил январь-сентябрда чет эл инвестицияси киритилган
корхоналар сони
(бирликда)**

	<i>Рўйхатга олинганлар</i>	<i>2017 йил январь-сентябрда</i>	
		<i>ташкил этилган¹⁾</i>	<i>туғатилган</i>
Вилоят бўйича:	173	23	6
<i>шаҳарлар:</i>			
Андижон	74	7	6
Хонобод	3	0	0
<i>туманлар:</i>			
Андижон	16	2	0
Асака	9	2	0
Балиқчи	9	0	0
Бўз	1	0	0
Булоқбоши	6	1	0
Жалақудуқ	4	1	0
Избоскан	7	1	0
Улуғнор	2	1	0
Мархамат	6	0	0
Олтинқўл	8	2	0
Пахтаобод	3	0	0
Хўжаобод	6	2	0
Шахрихон	13	3	0
Қўрғонтепа	6	1	0

¹⁾ қайта ташкил этилганлар билан

**Асосий капиталга киритилган инвестициялар ва кредитларни
иқтисодий фаолият турлари**
(умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида)



Ижтимоий соҳа объектларини қуриш

2017 йил январь-сентябрда умумий майдони 648,9 минг кв.м. бўлган 7445 та шу жумладан қишлоқ жойларида 499,8 минг кв.м. уй-жой фойдаланишга топширилди. Ноишлаб чиқариш соҳасига киритилган инвестициялар ҳажмидан 612,6 млрд.сўми ёки 77,0 фоизи турар-жой қурилишида ўзлаштирилди.

Умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари, мусиқа ва санъат мактаблари қуриш, қайта таъмирлаш ҳамда касб-ҳунар коллежларига ва умумтаълим мактабларига спорт иншоатлари қурилишида 38,9 млрд. сўмлик инвестициялар ўзлаштирилди, бу ноишлаб чиқариш соҳасига йўналтирилган инвестицияларнинг 4,9 фоизини ва таълим соҳасига киритилган инвестицияларнинг 70,8 фоизини ташкил қилади.

Соғлиқни сақлаш объектларини қуриш ва реконструкция ишларида 28,7 млрд. сўмлик инвестициялар ўзлаштирилди, бу ноишлаб чиқариш соҳасига йўналтирилган инвестицияларнинг 3,6 фоизини ва соғлиқни сақлаш соҳасига киритилган инвестицияларнинг 33,7 фоизини ташкил қилади.

Коммунал қурилиш соҳасида 117,5 км узунликдаги ичимлик суви, 6,8 км узунликдаги газ тармоқлари ишга туширилди, бу 2016 йил январь-сентябрда нисбатан мос равишда 128,8 ва 5,2 мартани ташкил қилди.

Ичимлик суви тармоқлари қурилишига аҳоли маблағлари ҳисобига 459,4 млн.сўм, миқдорида инвестициялар ўзлаштирилди.


Қурилиш фаолияти. 2017 йил январь-сентябрда 1358,5 млрд. сўмлик қурилиш ишлари бажарилиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати 95,0 фоизга бажарилди.

Қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 82,5 фоизи бинолар ва иншоотларни қуриш бўйича қурилиш ишлари, 5,5 фоизи фуқаролик қурилиши объектларини қуриш бўйича қурилиш ишлари ва 12,0 фоизи ихтисослаштирилган қурилиш ишларига тўғри келди. Шу жумладан умумий ҳажмдан 76,1 фоизи янги қурилиш, реконструкция ва кенгайтириш ҳамда техник жиҳатдан қайта жиҳозлашга тўғри келади.


Нодавлат мулкчилик шаклидаги ташкилотлар томонидан 1305,5 млрд. сўмлик қурилиш ишлари амалга оширилиб, жами қурилиш ишлари ҳажмидаги улуши 96,1 фоизни (2016 йил январь-сентябрга нисбатан ўсиш суръати 96,1 фоизни) ташкил қилди.

Мулкчилик шакллари бўйича қурилиш ташкилотларининг ўз кучлари билан бажарган қурилиш ишлари тақсимоти
(умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида)

2016 йил январь-сентябрь



2017 йил январь-сентябрь



- Давлат мулки
- Фуқоролар хусусий мулки
- Хўжалик бирлашмалари мулки
- Бошқа мулкчилик шакллари

V. КИЧИК ТАДБИРКОРЛИК (БИЗНЕС)

2017 йилнинг 1 октябрь ҳолатига рўйхатга олинган жами кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектларининг сони 22835 тани ташкил қилди.

2017 йил январь-сентябрда ялпи ҳудудий маҳсулотнинг 71,2 фоизи (2016 йил январь-сентябрда 76,8 фоиз) кичик бизнес субъектлари томонидан ишлаб чиқарилди.

2017 йилнинг январь-сентябрда кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектлари томонидан:

- 1102,7 минг нафар кишининг бандлиги таъминланди (жами иқтисодиётда банд бўлганларнинг 83,9 фоизи), шу жумладан банд бўлганларнинг 919,8 минг нафари яқка тартибдаги тадбиркор, 182,9 минг нафари кичик корхона ва микрофирмалар ҳиссасига тўғри келди;

- саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 3379,9 млрд. сўмни (жами саноат ишлаб чиқаришининг 37,2 фоизи) ёки 2016 йилнинг январь-сентябрга нисбатан ўсиш суръати 100,9 фоизни ташкил қилди;

- 4396,0 млрд. сўмлик қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиқларининг ишлаб чиқарилган (кўрсатилган хизматлар) ташкил қилиб, ўсиш суръати 101,0 фоизни (қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиқлари ялпи маҳсулотининг 99,8 фоизи) ташкил қилди;

- 947,6 млрд. сўмлик инвестициялар (умумий инвестициялар ҳажмининг 60,0 фоизи) ўзлаштирилди ва 2016 йилнинг январь-сентябрга нисбатан 95,5 фоизни ташки қилди;

- 1294,6 млрд. сўмлик қурилиш ишлари (қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 95,3 фоизи) бажарилди ва 2016 йилнинг январь-сентябрга нисбатан 96,2 фоизга кўпайди;

- автомобил транспорти юк айланмасининг 108,2 фоизга (вилоят жами автомобил транспорти юк айланмасининг 93,1 фоизи), йўловчи айланмасининг эса 109,3 фоизга (умумий йўловчи айланмасининг 93,0 фоизи) кўпайиши таъминланди;


- чакана товар айланмаси умумий ҳажмининг 79,9 фоизи ёки 4690,6 млрд. сўмни 2016 йил январь-сентябрга нисбатан (ўсиш суръати 101,2 фоиз) ни ташкил қилди;

- 165,2 млн. АҚШ доллари (умумий экспорт ҳажмининг 57,7 фоизи) миқдорида маҳсулотлар (товар ва хизматлар) экспорт қилинди, 164,0 млн. АҚШ доллари (умумий импорт ҳажмининг 18,7 фоизи) миқдорида маҳсулотлар (товар ва хизматлар) импорт қилинди.

**2017 йилнинг январь-сентябрда кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти
(ишлар, хизматлар) умумий ҳажмидаги хусусий тадбиркорликнинг
(фуқаролар мулки) улуши**

	<i>Кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (иш, хизмат) ҳажми, млрд.сўм</i>	<i>Кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (иш, хизмат) ҳажмида хусусий сектор улуши, % ҳисобида</i>
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	3367,0	99,9
Саноат	3379,7	37,2
Қурилиш	1294,6	95,3
Чакана савдо	4690,6	79,9
Юк ташиш, млн тн.	43,4	93,1
Йўловчи ташиш, млн.киши	289,6	93,0
Экспорт, млн. АҚШ долл.	165,2	57,7
Импорт, млн. АҚШ долл.	164,0	18,7

**Ялпи ҳудудий маҳсулот ва иқтисодиёт тармоқлари маҳсулоти
(ишлар, хизматлар) умумий ҳажмида кичик тадбиркорлик (бизнес)
улушининг ўзгариши
(умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида)**



VI. КОРХОНАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ УМУМИЙ ТАЪРИФИ (фермер ва деҳқон хўжаликларисиз)

Корхоналар ва ташкилотлар ягона давлат регистри маълумотларига кўра, 2017 йилнинг 1 октябры ҳолатига рўйхатга олинган юридик шахслар сони 27210 тани ташкил қилиб, шундан 25896 таси ёки 95,1 фоизи фаолият кўрсатмоқда.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича рўйхатга олинган корхона ва ташкилотларнинг асосий қисми савдо 7370 та (27,1 фоизи), саноат 5289 та (19,4 фоизи), яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар 1316 та (4,8 фоизи) ва қурилиш 2355 та (8,7 фоизи) соҳаларига тўғри келади.

2017 йилнинг 1 октябры ҳолатига рўйхатга олинган ҳамда фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотларнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича сони

	Рўйхатга олинганлар		Фаолият кўрсатаётганлар	
	бирлик	яқунга нисбатан фоизда	бирлик	яқунга нисбатан фоизда
Жами	27210	100,0	25896	100,0
<i>шу жумладан:</i>				
қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	2070	7,6	1925	7,4
саноат	5289	19,4	5016	19,4
қурилиш	2355	8,7	2231	8,6
савдо	7370	27,1	6906	26,7
ташиш ва сақлаш	924	3,4	885	3,4
яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	1316	4,8	1253	4,8
ахборот ва алоқа	597	2,2	566	2,2
соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	480	1,8	469	1,8
бошқа турдаги хизматлар кўрсатиш	6809	25,0	6645	25,7

**2017 йил 1 октябрь ҳолатига рўйхатга олинган юридик шахсларни
мулкчилик шакллари бўйича тақсимланиши
(фермер ва деҳқон хўжаликларисиз)**

	Жами, бирлик	Умумий сонга нисбатан фоиз ҳисобида		
		давлат	нодавлат	шундан хусусий
Вилоят бўйича:	27210	10,8	89,2	28,5
<i>шаҳарлар:</i>				
Андижон	8712	4,8	95,2	20,6
Хонобод	377	14,9	85,1	24,1
<i>туманлар:</i>				
Андижон	1988	11,3	88,7	28,5
Асака	2402	9,9	90,1	37,8
Балиқчи	1523	12,7	87,3	46,9
Бўз	644	17,4	82,6	34,8
Булоқбоши	626	19,6	80,4	24,4
Жалакудук	1057	17,9	82,1	28,3
Избоскан	1188	16,2	83,8	20,7
Улуғнор	552	16,3	83,7	26,1
Мархамат	1227	12,5	87,5	39,1
Олтинқўл	1532	11,5	88,5	38,1
Пахтабод	891	20,1	79,9	31,2
Хўжабод	910	14,3	85,7	18,8
Шахрихон	2081	11,6	88,4	27,5
Қўрғонтепа	1500	14,7	85,3	35,5


Рўйхатга олинган корхоналар умумий сонининг 89,2 фоизи нодавлат мулки шаклидаги корхоналар, шундан 57,6 фоизи масъулияти чекланган жамиятлар, 28,5 фоизи хусусий корхоналар, 0,7 фоизи чет эл сармояси иштирокидаги корхоналар, 13,2 фоизи бошқа корхоналар улушига тўғри келди.

**2017 йил 1 октябрь ҳолатига рўйхатга олинган юридик шахсларни
мулкчилик шакллари бўйича тақсимлаш**
(фермер ва деҳқон хўжаликларисиз)

	Жами, бирлик	Умумий сонга нисбатан фоиз ҳисобида		
		давлат	нодавлат	шундан хусусий
Вилоят бўйича:	27210	10,8	89,2	28,5
<i>шаҳарлар:</i>				
Андижон	8712	4,8	95,2	20,6
Ҳонобод	377	14,9	85,1	24,1
<i>туманлар:</i>				
Андижон	1988	11,3	88,7	28,5
Асака	2402	9,9	90,1	37,8
Балиқчи	1523	12,7	87,3	46,9
Бўз	644	17,4	82,6	34,8
Булоқбоши	626	19,6	80,4	24,4
Жалақудуқ	1057	17,9	82,1	28,3
Избоскан	1188	16,2	83,8	20,7
Улуғнор	552	16,3	83,7	26,1
Мархамат	1227	12,5	87,5	39,1
Олтинкўл	1532	11,5	88,5	38,1
Пахтабод	891	20,1	79,9	31,2
Хўжабод	910	14,3	85,7	18,8
Шахрихон	2081	11,6	88,4	27,5
Қўрғонтепа	1500	14,7	85,3	35,5

**Рўйхатга олинган хўжалик юритувчи субъектлар-юридик шахслар
мулкчилик шакллари**

(1 октябрь ҳолатига, умумий сонига нисбатан фоиз ҳисобида)



- Давлат мулки
- Хусусий корхоналар
- Масъулияти чекланган жамиятлари
- Чет эл сармояси иштирокидаги корхоналар
- Бошқа мулкчилик шакллари

Кичик корхоналар ва микрофирмалар (бизнес) сони

(фермер ва деҳқон хўжаликларисиз)

(бирлик)

	2017 йил 1 октябрга рўйхатга олинган	2017 йил январь-сентябрда	
		ташкил топди	туғатилди

Вилоят бўйича:	22835	1962	2289
-----------------------	--------------	-------------	-------------

шаҳарлар:

Андижон	7740	629	618
---------	------	-----	-----

Хонобод	283	31	32
---------	-----	----	----

туманлар:

Андижон	1691	111	181
---------	------	-----	-----

	2017 йил 1 октябрга рўйхатга олинган	2017 йил январь-сентябрда	
		ташкил топди	тугатилади
Асака	2050	206	260
Балиқчи	1260	117	184
Бўз	491	52	68
Булокбоши	477	54	61
Жалакудук	800	61	72
Избоскан	949	98	147
Улуғнор	425	42	99
Мархамат	1017	95	167
Олтинқўл	1293	124	80
Пахтаобод	667	59	114
Хўжаобод	733	70	103
Шахрихон	1759	148	46
Қўрғонтепа	1200	65	57

2017 йил январь-сентябрда жами 2092 та янги корхона ва ташкилотлар рўйхатга олинган (шундан кичик бизнес субъектлари 1962 та). Уларнинг асосий қисми Андижон шаҳрида вилоят бўйича рўйхатга олинган жами корхона ва ташкилотларнинг (32,7 фоизи), Асака (10,2 фоиз), Шахрихон (7,6 фоизи), Балиқчи(6,0 фоизи), Андижон (5,4 фоизи), Избоскан (4,9 фоизи), Олтинқўл (6,0 фоизи) туманларига тўғри келди.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича янги рўйхатга олинган корхона ва ташкилотларнинг 23,0 фоизи савдо, 29,9 фоизи саноат ва 9,3 фоизи қурилиш соҳаларига тўғри келади.

Ҳисобот даврида 4657 та корхона ва ташкилотлар фаолияти тугатилган бўлиб, улардан 986 таси (жами фаолияти тугатилганларнинг 21,2 фоизи) ихтиёрий тугатилиш тартибини қўллаш орқали тугатилган.

Корхона ва ташкилотлар сони
(фермер ва деҳқон хўжаликларисиз)

(бирлик)

	2017 йил 1 октябрга рўйхатга олинган	2017 йил январь-сентябрда	
		ташкил топди	тугатилади

Вилоят бўйича:	27210	2092	2693
-----------------------	--------------	-------------	-------------

шаҳарлар:

Андижон	8712	684	652
---------	------	-----	-----

Хонобод	377	34	34
---------	-----	----	----

туманлар:

Андижон	1988	114	212
---------	------	-----	-----

Асака	2402	213	294
-------	------	-----	-----

Балиқчи	1523	126	216
---------	------	-----	-----

Бўз	644	54	84
-----	-----	----	----

Булоқбоши	626	58	89
-----------	-----	----	----

Жалакудук	1057	64	98
-----------	------	----	----

Избоскан	1188	102	185
----------	------	-----	-----

Улугнор	552	48	115
---------	-----	----	-----

Мархамат	1227	100	195
----------	------	-----	-----

Олтинқўл	1532	126	106
----------	------	-----	-----

Пахтабод	891	62	140
----------	-----	----	-----

Хўжабод	910	77	122
---------	-----	----	-----

Шахрихон	2081	159	73
----------	------	-----	----

Қўрғонтепа	1500	71	78
------------	------	----	----

**2017 йил январь-сентябрда иқтисодий фаолият турлари бўйича маҳсулот
ишлаб чиқаришда ҳамда аҳоли бандлиги бўйича давлат ва нодавлат
секторларининг нисбати**
(умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида)



VII. ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАР

2017 йилнинг январь-сентябрда ташқи савдо айланмаси 1164,5 млн. АҚШ долларини, жумладан 286,2 млн. АҚШ долларини - экспорт операциялари, 878,3 млн. АҚШ долларини - импорт операциялари ташкил этди.

2017 йилнинг январь-сентябрда МДХ ва бошқа давлатлар кесимида вилоятнинг ташқи савдо айланмаси (млн АҚШ dollari)

	январь-сентябрь		2016 йил январь-сентябрга нисбатан фоиз ҳисобида
	2016 й.	2017 й.	

Ташқи савдо айланмаси	708,6	1164,5	164,3
------------------------------	--------------	---------------	--------------

шу жумладан:

МДХ давлатлари	243,9	336,6	138,9
----------------	-------	-------	-------

бошқа давлатлар	464,7	827,9	178,2
-----------------	-------	-------	-------

Экспорт	173,5	286,2	165,0
----------------	--------------	--------------	--------------

шу жумладан:

МДХ давлатлари	121,6	220,9	181,7
----------------	-------	-------	-------

бошқа давлатлар	51,9	65,3	125,8
-----------------	------	------	-------


Импорт	535,2	878,3	164,1
---------------	--------------	--------------	--------------

шу жумладан:

МДХ давлатлари	122,4	115,7	94,5
----------------	-------	-------	------

бошқа давлатлар	412,8	762,6	184,7
-----------------	-------	-------	-------

**2017 йил январь-сентябрда вилоят ташқи савдо айланмасида
МДХ ва бошқа давлатларнинг улуши**



2017 йилнинг январь-сентябрда вилоят экспорт-импорти таркиби


	Экспорт ва импортнинг умумий ҳажмидаги улуши, фоиз ҳисобида		Ҳажмидаги ўзгариш, фоиз ҳисобида
	2016 йил январь-сентябрь	2017 йил январь-сентябрь	2016 йил январь-сентябрга нисбатан фоиз ҳисобида
Экспорт таркиби	100,0	100,0	165,0
пахта толаси	-	-	-
озик-овқат маҳсулотлари	22,9	16,3	117,6
кимё маҳсулотлари ва ундан тайёрланган буюмлар	0,6	0,5	131,7
энергия манбалари ва нефть маҳсулотлари	0,003	0,005	176,7
қора ва рангли металллар	0,5	0,2	76,9
машина ва ускуналар	20,4	38,3	3,1 м
хизматлар	1,6	1,0	109,2
бошқалар	54,0	43,7	133,1

	Экспорт ва импортнинг умумий ҳажмидаги улуши, фоиз ҳисобида		Ҳажмидаги ўзгариш, фоиз ҳисобида
	2016 йил январь-сентябрь	2017 йил январь-сентябрь	2016 йил январь-сентябрга нисбатан фоиз ҳисобида


Импорт таркиби	100,0	100,0	164,1
озик-овқат маҳсулотлари	4,4	2,4	87,9
кимё маҳсулотлари ва ундан тайёрланган буюмлар	9,3	11,0	194,5
энергия манбалари ва нефть маҳсулотлари	0,5	0,5	148,9
қора ва рангли металллар	5,1	7,4	2,4 м
машина ва ускуналар	69,3	66,8	158,2
хизматлар	69,3	66,8	158,2
бошқалар	69,3	66,8	158,2

Ташқи савдо айланмасининг қитъалар бўйича таркиби
(умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида)

2016 йил январь-сентябрь



2017 йил январь-сентябрь



■ Европа

■ Осиё


■ Африка

■ Америка


**2017 йилнинг январь-сентябрда вилоят ташқи савдо айланмасида
катта улушга эга бўлган давлатлар билан товар айланмаси**

	<i>Вилоят товар айланмасида улуши, фоиз ҳисобида</i>	<i>2016 йил январь-сентябрга нисбатан фоиз ҳисобида</i>
Россия	15,7	2,4 м
Туркия	2,1	141,0
Хитой	11,2	191,8
Қозоғистон	7,5	71,9
Бразилия	0,3	7,2 м
Афғонистон	0,1	2,5
Ж.Корея	52,3	177,4
Тожикистон	0,1	13 м
Латвия	0,02	143,9
Украина	1,2	6,2 м
Эрон	0,05	67,6
Белоруссия	0,2	163,8
Германия	0,2	91,7
Литва	0,05	154,9
Грузия	0,03	6,4 м
Қирғизистон	3,7	117,1
Нидерландия	0,1	4,5 м
Италия	0,2	60,8
АҚШ	0,7	12,7 м

**2017 йил январь-сентябрда хориж давлатларига маҳсулот ва хизматлар
экспорти таркиби**
(жамига нисбатан фоизда)



**2017 йил январь-сентябрда хориж давлатлари маҳсулот ва хизматлар импорти
таркиби**
(жамига нисбатан фоизда)



VIII. ТРАНСПОРТ

Юк ташиш. 2017 йил январь-сентябрда барча транспорт турлари томонидан 46,3 млн. тонна юк ташилган бўлиб, бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 108,3 фоизни ташкил этди.

Юк айланмаси барча транспорт турлари томонидан 1886,4 млн.тн-км. ни ташкил қилди ва 103,6 фоизга кўпайди.

Транспорт турлари бўйича юк ташиш ва юк айланмаси

	2017 йил январь-сентябрь	2016 йил январь-сентябрга нисбатан фоиз ҳисобида
Ташилган юк, млн. тн	46,3	108,3
<i>шу жумладан:</i>		
автомобил транспортида	46,3	108,3
Юк айланмаси, млн. тн-км	1886,4	103,6
<i>шу жумладан:</i>		
автомобил транспортида	1886,4	103,6

Якка тартибдаги тадбиркорларнинг автомобил транспортининг юк айланмаси 2016 йил январь-сентябрга нисбатан 103,6 фоизга кўпайди ва 1886,4 млн. тн-км. ни ташкил қилди. Юк айланмасининг умумий ҳажмида хусусий юк ташувчиларнинг улуши 85,1 фоизни ташкил этди (2016 йил январь-сентябрда 86,5 фоиз).

Йўловчи ташиш. 2017 йил январь-сентябрда барча транспорт турлари томонидан 363,8 млн. киши ташилган бўлиб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 104,4 фоизга кўпайган. Йўловчи ташиш айланмаси ушбу даврда 102,8 фоизга кўпайиб, 3538,9 млн. йўловчи-км. ни ташкил қилди.

Хусусий йўловчи ташувчилар автомобил транспортида йўловчи айланмаси 2016 йил январь-сентябрга нисбатан 107,3 фоизга кўпайди ва 2944,3 млн. йўловчи-км. ни ташкил қилди. Йўловчи айланмасининг умумий ҳажмида хусусий йўловчи ташувчиларнинг улуши 83,2 фоиз (2016 йил январь-сентябрда 79,7 фоиз)ни ташкил этди.

Транспорт турлари бўйича йўловчи ташиш ва йўловчи айланмаси

	2017 йил январь-сентябрь	2016 йил январь-сентябрга нисбатан фоиз ҳисобида
Транспортда ташилган йўловчилар, млн. киши	363,8	104,4
шу жумладан, автомобил транспортида:	363,8	104,4
Йўловчи айланмаси, млн. йўловчи-км	3538,9	102,8
шу жумладан, автомобил транспортида:	3538,9	102,8

IX. ТОВАРЛАР ВА ХИЗМАТЛАР БОЗОРИ

2017 йил январь-сентябрда чакана товар айланмаси 5867,0 млрд. сўмни ташкил этди ва ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 101,2 фоизга ўсди.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг мулкчилик шакллари бўйича чакана товар айланмаси

	млрд. сўм	2016 йил январь-сентябрда нисбатан фоиз ҳисобида	Яқунга нисбатан фоиз ҳисобида
Жами	5867,0	101,2	100,0
<i>шу жумладан мулкчилик шакллари бўйича:</i>			
давлат мулки	1,5	100,4	0,03
нодавлат мулки	5865,5	100,8	99,97

Савдо корхоналарининг чакана савдо айланмаси ҳажми 2017 йил январь-сентябрда 423,1млрд. сўмни ташкил қилиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 116,2 фоизга ошган.

Якка тартибдаги тадбиркорликнинг жами чакана савдо ҳажми жорий йилнинг январь-сентябрь ойларида 1076,8 млрд. сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 103,8 фоизга ошган.

2017 йил январь-сентябрда чакана савдо айланмаси таркиби

	млрд. сўм	2016 йил январь-сентябрда нисбатан фоиз ҳисобида	Яқунга нисбатан фоиз ҳисобида
Чакана товар айланмаси	5867	101,2	100,0
<i>шу жумладан:</i>			
савдо корхоналари	423,1	116,2	7,2
Якка тартибдаги тадбиркорлик	1076,8	103,8	18,4
уюшмаган сектор (ташкил этилмаган савдо фаолияти)	4367,1	99,3	74,4

Умумий овқатланиш соҳасининг товар айланмаси 69,7 млрд. сўмга етди ёки 2016 йил январь-сентябрга нисбатан 104,9 фоизга ўсди.

Чакана савдо (умумовқатланиш фаолиятини қўшган ҳолда) аҳоли жон бошига нисбатан ҳисоблаганда 99,4 фозга ошди ва 1956,6 минг сўмни ташкил этди (2016 йил январь-сентябрь ойиларида 1706,7 минг сўмни ташкил этган).

2017 йил январь-сентябрда **бозор хизматлари ишлаб чиқаришнинг иқтисодий фаолият турлари** бўйича ҳажми 4149,1 млрд. сўмни ташкил қилди, шу жумладан қишлоқ жойларида 1202,2 млрд. сўм ёки умумий кўрсатилган хизматлар ҳажмининг 29,0 фоизини ташкил қилди. 2016 йил январь-сентябрга нисбатан ўсиш 99,0 фоизни ташкил этди.

Бозор хизматлари ишлаб чиқаришнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича тақсимланиши 2017 йилнинг январь-сентябрда

	млрд. сўм	2016 йил январь- сентябрга нисбатан фоиз ҳисобида	яқунга нисбатан фоиз ҳисобида
Жами хизматлар	4149,1	103,7	100,0
<i>шу жумладан</i>			
<i>хизмат турлари бўйича:</i>			
алоқа ва ахборотлаштириш хизмати	315,7	113,6	7,6
молиявий хизматлар	544,6	129,2	13,1
транспорт хизмати	693,8	95,8	16,7
<i>шу жумладан автотранспорт</i>			
<i>хизматлари:</i>			
яшаш ва овқатланиш хизматлари	76,1	104,8	1,8
савдо хизматлари	1490,9	97,5	35,9
кўчмас мулк билан боғлиқ бўлган хизматлар	163,6	103,5	3,9
таълим соҳасидаги хизматлар	184,1	112,6	4,4
соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар	61,5	110,6	1,5
ижара ва прокат хизматлари	111,6	100,1	2,7
компьютерларни ва маиший товарларни таъмирлаш хизматлари	140,4	101,5	3,4
бошқа шахсий хизматлар	227,1	101,7	5,5
меъморчилик, муҳандислик изланишлари, техник синовлар ва таҳлил соҳасидаги хизматлар	23,6	110,2	0,6
бошқа турдаги хизматлар	116,1	111,6	2,8

Хизматлар таркибида энг катта улуш транспорт (жами хизматларнинг 35,9 фоизи), савдо ва овқатланиш (16,7 фоизи) хизматларига тўғри келади.

Шунингдек, молиявий хизматлар (129,2 фоиз), меъморчилик, муҳандислик изланишлари, техник синовлар ва таҳлил соҳасидаги хизматлар (110,2 фоиз), алоқа ва ахборотлаштириш хизмати (113,6 фоиз) ва бошқа шахсий хизматларида (111,6 фоиз) ўсиш суръати юкори бўлди.

**2017 йил январь-сентябрда бозор хизматлари ишлаб чиқаришнинг
иқтисодий фаолият турлари**



X. ДЕМОГРАФИЯ ВА МЕҲНАТ БОЗОРИ

Дастлабки маълумотларга кўра, 2017 йилнинг 1 октябрь ҳолатига вилоятда доимий аҳоли сони 2998,5 минг кишини ташкил қилди ва йил бошидан 36 минг кишига ёки 1,2 фоизга кўпайди.

Январь–сентябрда вилоят бўйича аҳолининг табиий ҳаракати коэффициентлари

	<i>киши</i>			<i>ҳар 1000 кишига</i>	
	<i>2016 й.</i>	<i>2017 й.¹⁾</i>	<i>ўсиш, камайиш</i>	<i>2016 й.</i>	<i>2017 й.¹⁾</i>
Туғилганлар	50128	49280	-848	22,9	22,1
Ўлганлар	10601	11755	1154	4,8	5,3
Табиий ўсиш	30648	28725	-1923	14,6	13,5
Никоҳлар	14667	15836	1169	6,7	7,4
Ажралишлар	2222	2649	116	1,0	1,2

Туғилиш. 2017 йилнинг январь-сентябрда туғилганлар сони 49,3 минг кишини ташкил қилди ва 2016 йилнинг шу даврига (50,1 минг киши) нисбатан 848 тага камайди. Туғилиш коэффициенти мос равишда 22,1 промиллени ташкил қилди ва 2016 йилнинг шу даврига (22,9 промилле) нисбатан 0,8 промиллени ташкил қилди.

Туғилиш коэффициентининг сезиларли камайиши Хўжаобод (22,5 дан 22,3 промиллега), Шахрихон (24,1 дан 23,3 промиллега) туманлари ва Андижон шаҳрида (21,5 дан 21,3 промиллега) кузатилди.

Ўлим даражаси. 2017 йилнинг январь-сентябрда ўлганлар сони 11,7 минг кишини ташкил қилди ва 2016 йилнинг шу даврига (11,8 минг) нисбатан 1,1 минг кишига кўпайди. Мос равишда ўлим коэффициенти 5,3 промиллени ташкил қилди (2016 йил январь-сентябрида – 4,8 промилле).


¹⁾ дастлабки маълумот

Ўлим кўрсаткичининг 2016 йил январ-сентябрда даврига нисбатан кўпайиши мазкур даврда вилоятнинг Хонобод (3,3 дан 4,9 промиллега), Андижон (4,8 дан 5,3 промиллега) шаҳарлари, Олтинкўл (4,7 дан 4,9 промиллега), Қўрғонтепа (4,7 дан 5,0 промиллега), Пахтабод (4,7 дан 5,2 промиллега) туманларида кузатилди.

Ўлганлар умумий сонидан қон айланиш системаси касалликларидан 6691 та (63,1 фоизи), бахтсиз ҳодисалардан: 481 та (4,5 фоизи), нафас олиш органлари касалликларидан: 421 та (4,0 фоизи), ҳазм қилиш органлари касалликларидан 570 та (5,4 фоизи), ўсмалардан 814 та (7,6 фоизи) ва юқумли касалликлардан 179 та (1,7 фоизи) бошқа касалликлардан: 1301 та (12,2 фоизи) вафот этган.

Аҳолининг табиий ҳаракати 2017 йил январ-сентябрда

Ҳар 1000 кишига



Январь—сентябр ойларида аҳолининг табиий ҳаракати коэффицентлари
(шаҳарлар ва туманлар бўйича)

(1000 аҳоли сонига)

	Тузилганлар		Ўлганлар		Аҳолининг табиий ўсиши	
	2016 й.	2017 й. ¹⁾	2016 й.	2017 й. ¹⁾	2016 й.	2017 й. ¹⁾

Вилоят бўйича:	22,8	16,5	4,8	3,9	18,0	12,6
-----------------------	-------------	-------------	------------	------------	-------------	-------------

шаҳарлар:

Андижон	21,6	15,9	5,2	4,3	16,4	11,6
---------	------	------	-----	-----	------	------

Хонобод	18,8	13,8	3,3	3,7	15,4	10,1
---------	------	------	-----	-----	------	------

туманлар:

Андижон	24,0	16,8	5,0	4,0	19,0	12,7
---------	------	------	-----	-----	------	------

Асака	23,8	17,0	4,9	4,0	18,8	13,0
-------	------	------	-----	-----	------	------

Балиқчи	23,1	16,6	4,9	3,7	18,2	12,9
---------	------	------	-----	-----	------	------

Бўз	23,5	18,0	4,8	3,9	18,7	14,1
-----	------	------	-----	-----	------	------

Булоқбоши	21,3	15,2	4,7	3,8	16,6	11,4
-----------	------	------	-----	-----	------	------

Жалакудук	21,7	15,5	4,7	4,0	17,0	11,5
-----------	------	------	-----	-----	------	------

Избоскан	23,5	17,0	5,0	4,3	18,5	12,7
----------	------	------	-----	-----	------	------

Улуғнор	22,2	15,6	3,9	3,2	18,3	12,4
---------	------	------	-----	-----	------	------

Мархамат	22,5	17,4	5,1	3,9	17,4	13,5
----------	------	------	-----	-----	------	------

Олтинқўл	22,8	17,2	4,7	3,7	18,1	13,5
----------	------	------	-----	-----	------	------

Пахтаобод	24,2	17,1	4,7	3,9	19,5	13,2
-----------	------	------	-----	-----	------	------


Хўжаобод	22,5	16,6	4,5	4,3	17,0	12,4
----------	------	------	-----	-----	------	------

Шахрихон	24,1	17,4	4,4	3,6	19,7	13,8
----------	------	------	-----	-----	------	------


Қўрғонтепа	22,2	15,3	4,7	3,8	17,5	11,5
------------	------	------	-----	-----	------	------

¹⁾ дастлабки маълумот

2017 йил январь-сентябрда ўлим сабаблари бўйича ўлганлар сони
(жамига нисбатан фоиз ҳисобида)



2017 йил январь-сентябрда ўлим сабаблари бўйича бир ёшгача ўлган болалар сони
(жамига нисбатан фоиз ҳисобида)



Дастлабки маълумотларга кўра, 2017 йилнинг январь-сентябр ойларида бир ёшга тўлмаган 799 та болалар ўлими кузатилди. Болалар ўлими коэффиценти 15,8 промиллени ташкил қилди (2016 йилнинг январь-сентябрда 14,3 промилле).

Жами бир ёшга тўлмай ўлган болалардан: перинатал даврда юзага келадиган ҳолатлардан 484 та (60,6 фоизи), нафас олиш органлари касалликларидан 147 та (18,4 фоизи), туғма аномалия ва ривожланишдаги нуқсонлардан 91 та (11,4 фоизи), қолган касалликлардан 52 та (6,5 фоизи) вафот этган.

Никоҳлар ва ажралишлар. 2017 йилнинг январь-сентябр ойларида ФХДЁ органларида 15955 та никоҳлар ва 2418 та ажралишлар рўйхатга олинди. Минг аҳолига нисбатан 7,2 та никоҳ (2016 йилнинг тегишли даврида 6,7 та) ва 1,1 та ажралишлар (2016 йилнинг тегишли даврида 1,0 та) тўғри келади.

Тузилган никоҳлар ва никоҳдан ажралишлар сони
(январь-сентябрь ойларида)

(бирлик)

	Тузилган никоҳлар		Никоҳдан ажралишлар	
	2016й.	2017й. ¹⁾	2016й.	2017й. ¹⁾

Вилоятбўйича:	14667	15955	2222	2418
<i>шаҳарлар:</i>				
Андижон	2157	2328	409	411
Хонобод	182	163	58	46
<i>туманлар:</i>				
Андижон	1145	1323	191	201
Асака	1406	1557	247	259
Балиқчи	1031	1028	97	122
Бўз	297	367	32	56
Булоқбоши	631	721	114	112
Жалақудуқ	948	945	91	129
Избоскан	969	1160	187	204
Улуғнор	251	251	35	32
Мархамат	867	899	128	176
Олтинқўл	870	918	115	123
Пахтабод	929	1027	118	145
Хўжабод	543	568	83	90
Шахрихон	1536	1564	150	151
Қўрғонтепа	905	1136	167	161

Миграция. Дастлабки маълумотларга кўра, 2017 йилнинг январь-сентябрь ойларида вилоят бўйича кўчиб келганлар сони 4736 кишини, шу давр мобайнида кўчиб кетганлар сони эса 6242 кишини ташкил қилди. Миграция қолдиғи минус 1506 киши (2016 йилнинг шу даврида минус 1280 киши)га тенг бўлди.

Энг катта минус қолдиқлар Андижон шаҳар (минус 202), Шахрихон (минус 361), Хўжабод (минус 198) туманларида кузатилди.

¹⁾ дастлабки маълумот

Меҳнат ресурсларининг сони дастлабки маълумотларга кўра, 2016 йил январь-сентябрга нисбатан 7 фоизга кўпайиб, 1720,6 минг кишини ёки вилоят доимий аҳолисининг 57 фоизини ташкил қилди.

2017 йил январь-сентябрда бандликка кўмаклашувчи марказларига ишга жойлаштиришда ёрдам беришни сўраб, 20403 нафар фуқаро мурожаат қилди. Иш қидириб мурожаат этганлар Жалакудук (1484 киши), Избоскан (1529 киши), Қўрғонтепа (2088 киши), Мархамат (1829 киши), Хўжаобод (1220 киши) ва Олтинкўл (1675 киши) туманларида бошқаларига нисбатан кўп.

Ўтган давр мобайнида бандликка кўмаклашувчи марказларида рўйхатга олинган фуқаролардан 1392 нафари ишсизлик мақомини олган.

Бандликка кўмаклашувчи марказларга иш қидириб мурожаат этган ва рўйхатга олинганлар сони¹⁾

(2017 йил 1 октябрь ҳолатига, киши)

	<i>Бандликка кўмаклашувчи марказларига иш қидириб мурожаат этганлар сони</i>		<i>жумладан, расман ишсиз мақомини олганлар</i>		<i>улардан, ишсизлик нафақаси ажратилганлар сони</i>	
	<i>2016 й.</i>	<i>2017 й.</i>	<i>2016 й.</i>	<i>2017 й.</i>	<i>2016 й.</i>	<i>2017 й.</i>
Вилоят бўйича:	19513	20403	1198	1392	219	269
<i>шаҳарлар:</i>						
Андижон	1203	1506	80	104	17	29
Хонобод	428	722	32	35	15	7
<i>туманлар:</i>						
Андижон	1257	1391	108	135	16	15
Асака	1265	758	102	125	28	54
Балиқчи	1244	1297	83	132	8	25
Бўз	745	714	67	73	28	14
Булоқбоши	1125	831	70	71	9	10
Жалакудук	1995	1484	91	102	12	22
Избоскан	1814	1529	84	98	10	16
Улуғнор	248	352	10	39	4	8
Мархамат	1605	1829	78	98	13	15
Олтинкўл	1366	1675	80	83	18	12
Пахтаобод	1331	1882	88	95	12	19
Хўжаобод	1533	1220	63	27	6	6
Шахрихон	612	1125	88	58	14	8
Қўрғонтепа	1742	2088	74	117	9	9

¹⁾вилоят Меҳнат бош бошқармаси маълумотига асосан

Бандликка кўмаклашувчи марказларига мурожаат қилган фуқаролардан 18435 нафари ишга жойлаштирилди. Айниқса ушбу кўрсаткич, Жалақудук (1428 киши), Избоскан (1422 киши), Қўрғонтепа (2072 киши), Мархамат (1471 киши), Хўжаобод (1091 киши) ва Олтинқўл (1653 киши) туманларида юқори даражада бўлди.

Иш билан таъминланган аҳоли сони¹⁾
(2017 йил 1 октябрь ҳолатига, киши)

	2016 йил	2017 йил
Вилоят бўйича:	18686	18435
<i>шаҳарлар:</i>		
Андижон	1114	1438
Хонобод	341	515
<i>туманлар:</i>		
Андижон	1176	1120
Асака	1208	613
Балиқчи	1208	1159
Бўз	709	665
Булоқбоши	1090	810
Жалақудук	1985	1428
Избоскан	1754	1422
Улуғнор	231	323
Мархамат	1541	1471
Олтинқўл	1337	1653
Пахтаобод	1261	1719
Хўжаобод	1483	1091
Шахрихон	519	936
Қўрғонтепа	1729	2072

¹⁾ вилоят Меҳнат бош бошқармаси маълумотига асосан

**АНДИЖОН ВИЛОЯТИНИНГ
СТАТИСТИК АХБОРОТНОМАСИ
2017 ЙИЛ ЯНВАРЬ-СЕНТЯБРЬ**

Нашрга масъул:

**Статистика фаолиятини ташкил этиш
ва йиғма ахборот-таҳлилий ишлар бўлими**
тел. (0-374) 228-29-77

Буюртма рақами № _____ .17 й. Тираж ____ нусха

**Андижон вилояти статистика бошқармаси
Андижон ш., Миллий Тикланиш кўчаси 36а-уй**